Fidoyilik – Vatanga xizmat demak!

Zarafshon

www.zarnews.uz
https://www.facebook.com/zarnews.uz
@zarnews_uz
https://twitter.com/zarnews_uz

1913-yil aprel oyidan chiqa boshlagan

E-mail: zarafshong@umail.uz

Сайтимизга ўтиш учун QR-кодини телефонингиз орқали сканер қилинг

2020-yil 5-mart, payshanba, 29 (23.309)-son

Кун ҳикмати

Фарзандларимиз олдида мен ҳалол яшаяпман, мендан ибрат ол, деб айта оламизми?

Коррупцияга қарши курашда қаттиққўллик керак

Вилоят ҳокимлигида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Суд-ҳуқуқ масалалари ва коррупцияга қарши курашиш қўмитаси ҳамда халқ депутатлари вилоят Кенгашининг қўшма мажлиси бўлиб ўтди.

Унда сенаторлар, халқ депутатлари вилоят Кенгаши депутатлари, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар, вилоят, туман ва шаҳар ҳокимларининг ўринбосарлари, давлат ва жамоат ташкилотлари раҳбарлари иштирок этди.

Қўшма мажлисни вилоят ҳокими Э.Турдимов очиб, ҳар бир раҳбар ўз соҳаси ва жамоасидаги бюрократик тўсиқларни бартараф этиш чорасини кўриши, олий таълим муассасаси, соғлиқни сақлаш ва бошқа ташкилот раҳбарлари халқ билан мулоқот қилиш йўлини топиши лозимлигини таъкидлади.

Қўшма мажлисда Президентимизнинг 2019 йил 27 майдаги "Ўзбекистон Республикасида коррупцияга қарши курашиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги фармонининг вилоятдаги ижроси муҳокама этилди.

- Жисмоний ва юридик шахсларнинг коррупция фактларига доир мурожаатларини кўриб чиқиш ҳамда уларнинг бузилган ҳуқуқларини тиклаш ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш коррупцияга қарши курашишнинг муҳим омилларидан бири ҳисобланади, - дейди Олий Мажлис Сенати Суд-ҳуқуқ масалалари ва коррупцияга қарши курашиш қўмитаси раиси Ботир Матмуратов. – Зеро, бу иллатга қарши туриш фақатгина ҳуқуқ-тартибот идораларининг вазифаси эмас, бу барчанинг ишидир. Порахўрликни олдини олиш ва батамом тугатиш эса бугуннинг долзарб вазифасидир.

Қўшма мажлисда вилоятимиздаги ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар томонидан коррупциянинг олдини олиш бўйича олиб борилган ишлар бўйича мутасаддиларнинг ҳисоботлари ҳам тингланди.

- 2019 йил вилоятда 174 та мансаб суиистеъмолчилиги ва порахўрлик жиноятлари содир этилган, - дейди вилоят прокурори Ф.Зуфаров. – Ўтган даврда мактабгача таълим, халқ таълими, ўрта махсус таълим муассасалари, ходимларига нисбатан 60 та жиноят иши қўзғатилган ва қарийб 1 миллиард сўмлик зарар ундирилиб, 86 нафар раҳбар ва ходимга жазо қўлланилган. Таҳлилларга кўра, 2018-2019 йилларда банк, олий ва ўрта махсус, халқ таълими, солиқ, соғлиқни сақлаш тизимлари, айрим ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ва судларнинг мансабдор шахслари томонидан коррупция билан боғлиқ жиноятлар, уларнинг келиб чиқиш сабаблари бирор марта ҳам ўрганилмаган ва бу борада бирорта таклиф киритилмаган.

Қўшма мажлисда сенаторлар Ҳ.Нормуродов, Ф.Тошев, вилоят Кенгашининг қонунийликни таъминлаш ва коррупцияга қарши курашиш масалалари бўйича доимий комиссияси раиси Ш.Жўрақулов, вилоят адлия бошқармаси бошлиғи С.Нуриев, вилоят ички ишлар бошқармаси бошлиғи Ш.Раҳмонов вилоятимизда коррупциянинг олдини олиш борасидаги ишлар ҳақида сўз юритди.

Тадбир иштирокчилари вилоят Халқ қабулхонасида бўлиб, фуқароларнинг, коррупция ҳолатлари билан боғлиқ мурожаатларини тинглади. Сўнгра Самарқанд давлат университетида олий ўқув юртлари раҳбарлари, ўқитувчи ва талабалар иштирокида коррупцияга қарши курашиш масалаларига бағишланган учрашув ўтказилди.

Ўктам ҚЎЗИБОЕВ.

Мотуридий қарашлари бугун ҳам қимматли

Самарқанд шаҳрида "Имом Абу Мансур Мотуридий ва мотуридия таълимоти: ўтмиш ва бугун" мавзусида халқаро конференция бўлиб ўтди.

ҲИДОЯТГА БОШЛОВЧИ ИМОМ

Абу Мансур Мотуридийнинг ибратли ҳаёти, бой илмий меросини ўрганишга бағишланган халқаро анжуман ислом динининг асл қадриятларини асраб-авайлаш ҳамда мусулмон давлатлари ўртасидаги ҳамкорлик алоқаларини янада мустаҳкамлашга хизмат қилиши шубҳасиз.

Нуфузли анжуман 3 март куни Самарқанд шаҳридаги Форумлар мажмуасида Қуръон тиловати билан бошланди. Конференцияни Ўзбекистон Республикаси Президенти маслаҳатчиси, Ўзбекистон халқаро ислом академияси ректори, профессор Рустам Қосимов кириш сўзи билан очди. Шундан сўнг Бош вазир ўринбосари Азиз Абдуҳакимов, вилоят ҳокими Эркинжон Турдимов, Ўзбекистон мусулмонлар идораси раиси, муфтий Усмонхон Алимов сўзга чиқиб, мамлакатимизда Президентимиз Шавкат Мирзиёев раҳнамолигида иқтисодий-ижтимоий соҳалардаги туб ислоҳотлар қаторида илм-маърифат, дин ва ёш авлодни баркамол вояга етказиш борасида амалга оширилаётган кенг қамровли янгиланишлар ҳақида сўз юритди.

АНЖУМАН ИШИДА 70 ГА ЯҚИН ИСЛОМШУНОС ОЛИМЛАР ИШТИРОК ЭТДИ

Халқаро конференциянинг ялпи йиғилиши, шунингдек "Мотуридия таълимоти ва ҳозирги замон" ҳамда "Замонавий давлат шароитида диний қадриятларни асраб-авайлаш ва ривожлантириш" номли шўъбаларида 40 дан зиёд маърузалар тингланди. Уларда Имом Абу Мансур Мотуридий шахси ва ақидавий қарашлари, мотуридийликнинг мафкуравий асоси, мотуридия калом мактабига оид янги манбалар, ушбу таълимотнинг бугунги кундаги аҳамияти ҳақида фикрлар билдирилди.

Анжуман ишида Босния ва Герцеговина, Германия, Иордания, Индонезия, Малайзия, Покистон, Россия, Туркия, Украина, Швейцария, Қозоғистон ва Қирғизистон каби давлатлардан 70 га яқин уламолар, исломшунос олимлар, нуфузли таълим муассасалари ҳамда илмий-тадқиқот марказлари раҳбарлари иштирок этди. Улар орасида дунёга машҳур Ал-Азҳар мажмуаси раҳбари, Миср Бош имоми шайх Аҳмад Таййиб ва Эътиборли уламолар кенгаши Бош котиби Абдуллоҳ Абдулғаний Сархан, Гамбург университети Дунё илмлари академияси профессори, доктор Ҳурайра Кам сингари ислом динининг йирик вакиллари борлиги алоҳида аҳамиятга эга.

- Имом Мотуридий асарларининг Туркияда ҳам ўрни алоҳида, - дейди Истанбул шаҳридаги Мармара университети профессори Юсуф Шавки Явуз. – Устозим, таниқли исломшунос олим Бакир Тўпол ўғли бошлаган ишни мен давом эттиряпман. Яъни, Мотуридийнинг китобларини турк тилига таржима қилиб, 18 жилдда нашр эттирдик.

АҲМАД ТАЙЙИБ - САМАРҚАНД ШАҲРИ ФАХРИЙ ФУҚАРОСИ

Анжуман давомида Миср Араб Республикасининг Бош имоми, Ал-Азҳар мажмуаси раҳбари шайх Аҳмад Таййиб жанобларига Миср ва Ўзбекистон ўртасидаги дўстлик алоқаларини мустаҳкамлаш ҳамда Ўзбекистоннинг халқаро майдондаги обрў-эътиборини оширишдаги ҳиссаси учун "Самарқанд шаҳри фахрий фуқароси" унвони топширилди.

Самарқанд шаҳри фахрий фуқароси бўлган Аҳмад Таййиб Ўзбекистон Республикаси Президенти ва ҳукуматига, жумладан, Самарқанд вилояти ҳокимлигига ўз миннатдорлигини билдирди. Анжуманнинг дунёда тинчлик ва халқлар ўртасида дўстлик ўрнатишдаги муҳим аҳамияти хусусида сўз юритди.

ТАВСИЯЛАР ИШЛАБ ЧИҚИЛДИ

Анжуман якунида билдирилган таклиф ва мулоҳазалар асосида ишлаб чиқилган тавсияларда Имом Мотуридийнинг бой илмий мероси, ибратли ҳаёт йўли билан боғлиқ ўрганилмаган жиҳатларни тадқиқ этиш, аллома асарларидаги қимматли маълумотлардан самарали фойдаланиш, шунингдек, ушбу йўналишда ўзаро ҳамкорликни йўлга қўйиш масаласига алоҳида урғу берилди. Хусусан, аллома асарлари библиографиясини яратиш, китобларни кўпроқ нашр этиш, уларда илгари сурилган ғоя ва қарашларни содда тилда ёшларга ўргатиш, махсус сайт очиб, Имом Мотуридий илмий мероси ва мотуридия таълимоти ҳақида маълумот бериб бориш бўйича тавсиялар ишлаб чиқилди.

- Ал-Азҳар университети билан ҳамкорлик алоқаларимиз яхши йўлга қўйилган, - дейди Ўзбекистон мусулмонлар идораси раиси, муфтий Усмонхон Алимов. – Яқинда ўзбекистонлик 7 нафар ёш имом шу муассасада малака ошириб қайтди. Келгусида ҳамкорликни янада кучайтириб, университет талабалари ва тадқиқотчилари ўртасида Имом Мотуридий асарлари ва мотуридия таълимоти бўйича анъанавий танлов ўтказиш, танлов ғолибларининг Ўзбекистонга илмий-ижодий сафарларини уюштириш ташаббуси билдирилди. Ҳадис илми бўйича ҳам халқаро конференция ўтказишга келишиб олдик.

Тўлқин СИДДИҚОВ,
Бахтиёр МУСТАНОВ (фото).

Наврўзинг – янги кун, янги даврининг муборак, жонажон Ўзбекистоним!

2020 йилнинг 3 март куни Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Наврўз умумхалқ байрамига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тўғрисида"ги қарори қабул қилинди.

Халқимиз асрлар давомида катта шоду хуррамлик билан нишонлаб келаётган, Бирлашган Миллатлар Ташкилоти томонидан халқаро байрам сифатида белгиланган Наврўзи оламнинг беқиёс аҳамиятини ҳисобга олиб, айёмни янги Ўзбекистоннинг демократик қиёфаси, обрў-эътибори ва нуфузига ҳар томонлама муносиб тарзда ўтказиш режалаштирилди. Унга кўра, республикамиз бўйлаб байрам **"Наврўзинг – янги кун, янги даврининг муборак, жонажон Ўзбекистоним!"** деган шиор остида ташкилий-амалий, маданий-маънавий ҳамда тарғибот-ташвиқот ишлари амалга оширилади.

Юртимизда барча тадбирлар умумхалқ сайли ва шодиёнаси сифатида ўтказилади, уларда кенг халқ оммаси фаол иштирок этади. Халқимизга хос бўлган меҳр-мурувват, аҳиллик ва ҳамжиҳатлик фазилатлари асосида кексалар эъзозланади, кўмакка муҳтож инсонларга беғараз ёрдам бериш билан боғлиқ хайрия тадбирлари амалга оширилади.

Наврўз байрами арафасида шаҳар ва қишлоқларда, маҳаллаларда умумхалқ ҳашарлари, кенг қамровли ободончилик ва кўкаламзорлаштириш ишлари ташкил этилади.

Уйидан чиқиб кетиб, уйига қайтишни истамаётган БОЛАЛАР

Ўтган йилдан бошлаб Бахт шаҳридаги ўғил болалар махсус коллежи, Чиноз туманидаги 5-сонли қиз болалар мактаб интернати, Самарқанд шаҳридаги 64-сонли ўғил болалар мактаб интернатидан вилоят бўйича 79 нафар бола ўз уйларига қайтди.

Мазкур таълим-тарбия муассасаларида тарбияси оғир, ижтимоий хавфли қилмиш содир этган, аммо жиноий жавобгарликка тортиш мумкин бўлмаган болалар истиқомат қилади. Хўш, бу болаларни уйида қандай вазият кутмоқда? Уларнинг яшаши, тўкис бўлмаса-да, ҳар ҳолда аниқ бир макон ва меҳрга эга бўлишлари учун қандай имкониятлар бор?

Самарқандда шу болалар яшаган туман, маҳалла мутасаддилари иштирокида ўтказилган семинарда уларнинг аҳвол-руҳияти ўрганилди, тавсиялар берилди. Тавсиялар берилди, дейишимиз бироз нотўғри, чунки ҳар бир шаҳар, тумандан келган мутасаддилар аниқ болалар билан ишлаш механизми ҳақида бошидан ўтказганларини сўзлаб беришди, имконсиз ҳолатлар бўйича ёрдам сўрашди.

- Туманда тарбияси оғир деб ҳисобланадиган болалар билан ишлашда тажрибамиз бор, - дейди Булунғур туман ИИБ вояга етмаганлар ва ёшлар ўртасида ҳуқуқбузарликлар профилактикасини ташкил этиш гуруҳи катта инспектори Ҳ.Ҳакимов. – Мисол учун, ўтган йилда етти ой давомида бедарак кетган бола бўйича иш келиб тушди. Бола топилгач, у билан барча тегишли ташкилотлар ҳамкорлигида суҳбат ўтказдик. Унинг қизиқишларини ўргандик. Математика фанига қизиқаман, спорт билан шуғулланаман, деди. Шароит яратиб бердик. Ҳозир унинг баҳолари яхши, спортга ҳам мунтазам қатнашяпти. Боланинг ҳолидан хабар олиб турибмиз.

4-саҳифа »»

Рақамли иқтисодиёт ривожланади, камбағаллик камаяди

Президентимиз 2020 йил 2 мартда «2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича ҳаракатлар стратегиясини "Илм, маърифат ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириш йили"да амалга оширишга оид давлат дастури тўғрисида»ги фармонини қабул қилди.

Унга кўра, асосан қуйидагилар амалга оширилиши белгиланди:

ДАВЛАТ ВА ЖАМИЯТ ҚУРИЛИШИ ТИЗИМИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ СОҲАСИДА

2020 йилдан бошлаб Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенати фаолиятида фуқароларнинг интернет тармоғидаги мурожаатлари асосида парламент ва депутат сўровларини шакллантириш, сайловчилар билан бевосита мулоқот қилиш мақсадида электрон портал ва мобиль иловадан фойдаланиш имконини берувчи **"Электрон парламент" тизими** жорий этилади;

2020 йилда Самарқанд вилояти халқ депутатлари Кенгашининг фаолиятини **"намунали Кенгаш"** сифатида йўлга қўйиш бўйича амалий ташкилий чора-тадбирлар кўрилади ҳамда **маҳаллий вакиллик органлари фаолиятида Кенгаш сўрови институти** жорий қилинади;

ҚОНУН УСТУВОРЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ ВА СУД-ҲУҚУҚ ТИЗИМИНИ ЯНАДА ИСЛОҲ ҚИЛИШ СОҲАСИДА

2020 йил 1 майдан бошлаб суд ҳукмлари, қарорлари, ажримлари ёки ҳал қилув қарорлари қонуний кучга кирган ишларни прокурор томонидан **томонларнинг** (прокурордан ташқари) **мурожаати мавжуд бўлгандагина суддан талаб қилиб олиш** тартиби амалиётга жорий этилади;

2020 йил 1 апрелдан бошлаб 1995 йилгача Ўзбекистонга келган ва шундан буён фуқаролиги бўлмаган шахс гувоҳномаси асосида доимий истиқомат қилаётган ҳамда Ўзбекистон Республикаси фуқароси бўлиш истагини билдирган шахсларни **Ўзбекистон Республикаси фуқароси деб тан олиш тартиби** жорий этилади;

2020 йил 1 декабрдан бошлаб маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишларни кўриб чиқиш ваколати **жиноят ишлари бўйича судлар ваколатига ўтказилади**;

2-саҳифа »»

Рақамли иқтисодиёт ривожланади, камбағаллик камаяди

(Давоми. Бошланиши 1-саҳифада).

ИҚТИСОДИЁТНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ВА ИНВЕСТИЦИЯЛАРНИ ФАОЛ ЖАЛБ ҚИЛИШ СОҲАСИДА

2020 йилдан бошлаб пахта хомашёси ишлаб чиқариш ва мажбурий сотиш режасини, унинг нархини **давлат томонидан белгилаш амалиёти бекор қилинади** ва давлатга мажбурий ғалла сотиш ҳажми 25 фоизга **камайтирилади**;

Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги тасарруфига ўтказилган 30 та коллеж базасида, шунингдек, Тошкент шаҳрининг ҳар бир туманида камида биттадан **"Ишга марҳамат" мономарказлари ва касбга тайёрлаш марказлари ташкил этилиб,** шу марказлар Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятларнинг шаҳар ва туманларида ҳам босқичма-босқич ташкил этилади.

2020 йил 1 августга қадар **Камбағалликни қисқартириш дастури** лойиҳаси ишлаб чиқилади;

ИЖТИМОИЙ РИВОЖЛАНИШ СОҲАСИДА

2020 йил охирига қадар 6 ёшли болаларни мактабга тайёрлаш тизимини жорий этган ҳолда, мактабгача таълим билан **қамраб олиш даражаси 60 фоизга етказилади**;

2020/2021 ўқув йилидан бошлаб умумий ўрта таълим мактаблари ўқитувчиларининг юкламаси мақбуллаштирилиб, олий таълим муассасаларида **асосий мутахассисликка алоқаси бўлмаган фанлар сони икки бараварга қисқартирилади;**

2020/2021 ўқув йилидан бошлаб Ўзбекистон Республикасининг олий таълим муассасаларига давлат гранти асосида ўқишга қабул қилиш бўйича **давлат буюртмаси параметрлари босқичма-босқич икки бараварга оширилади**;

2020 йилда давлат тиббиёт ташкилотлари ва аҳолини дори воситалари ҳамда тиббиёт буюмлари билан таъминланиши ўтган йилга нисбатан **1,3 бараварга** кўпайтирилади.

Шунингдек, йил дастури доирасида пенсияни ҳисоблаш учун ***меҳнат стажини тасдиқлаш ва иш ҳақи миқдорини белгилашда архив маълумотларини тақдим этмаслик, "Рақамли Ўзбекистон – 2030" дастури*** *лойиҳасини ишлаб чиқиш,* ***"Электрон ҳукумат" тизимини яратиш*** *каби ишлар амалга оширилиши белгиланди.*

Тез тиббий ёрдам учун дорилар етишмайди

Бу масала Каттақўрғон тумани ҳокимлигида ўтказилган навбатдаги матбуот анжуманида алоҳида қайд этилди.

Анжуманда туман кенгаши депутатлари туман тиббиёт бирлашмаси ва мактабгача таълим бўлими раҳбарларининг ҳисоботини эшитди. Депутатлар масъуллардан айрим муаммоли масалалар юзасидан аниқ жавоб талаб қилишди.

Жумладан, вилоят Кенгаши депутати З.Бердиева томонидан тумандаги 41-мактабгача таълим ташкилотида ҳожатхона аб-гор аҳволда эканлиги қаттиқ танқид остига олинди. Туман мактабгача таълим бўлими мудири Т.Алқаров бу масала 1 ой муддатда бартараф этилишини ваъда қилди.

Депутатлар тиббиёт билашма тасарруфидаги "Тез ёрдам" бўлими Гулистон шохобчаси мисолида беморларга биринчи ёрдам учун зарур бўлган дори-дармонларнинг етишмаслигини қайд этди.

Билдирилган салбий ҳолатлар туман тиббиёт бирлашмаси томонидан алоҳида эътиборга олиниши ва йўл қўйилган камчиликларни зудлик билан бартараф этиш юзасидан тегишли кўрсатмалар ва тавсиялар берилди.

Туман ҳокимлиги ахборот хизмати.

"Ўзнефтгазинспекция" вилоят ҳудудий бўлими "Ҳудудгаз Самарқанд" масъулияти чекланган жамияти ва Мажбурий ижро бюроси вилоят бошқармаси мутахассислари билан ҳамкорликда ҳудудларда фаолият юритаётган тадбиркорларнинг табиий газдан фойдаланиш меъёрларига нечоғли амал қилаётганликларини ўрганиш мақсадида тадбир ўтказди.

Икки ойда "тадбиркор"лар давлатга 494 миллион ▶ 350 минг сўм зарар етказди

Афсуски, бу борада зарур тушунчалар берилаётгани, табиий газдан тежаб-тергаб фойдаланиш зарурлиги ҳақида тарқатма материаллар берилганига қарамасдан айрим «тадбиркорлар» ҳамон ушбу табиий ресурсдан ўғринча ва ноқонуний фойдаланаётгани аниқланди. Масалан, Паст Дарғом туманининг Камолот маҳалласи ҳудудида Ш.Раупова ўзига тегишли иссиқхонада ҳеч қандай ҳужжат ёки шартнома расмийлаштирмасдан туриб табиий газдан фойдаланиб келган. Газ ҳисоблагич ўрнатмай табиий газдан ноқонуний фойдаланган "тадбиркор" газ таъминоти идорасига 10 миллион 863 минг сўм зарар етказган.

Бундай ҳолат Самарқанд туманида ҳам кузатилди. Қуйи Арабхона маҳалласи ҳудудида жойлашган тадбиркор Х.Сафаровга тегишли новвойхонада табиий газдан фойдаланиш қоидалари бузилган. У ҳеч қандай ҳужжат расмийлаштирмасдан ва газ ҳисоблагичисиз табиий газдан ноқонуний фойдаланган. Х.Сафаровнинг газ таъминоти идорасига етказган зарари 2 миллион 218 минг сўмни ташкил этган.

Умуман, жорий йилнинг ўтган даври мобайнида ўтказилган шу каби тезкор тадбирлар натижасида 27 ҳолатда табиий газдан ноқонуний фойдаланаётган истеъмолчилар аниқланиб, улар томонидан газ таъминоти идораларига 494 миллион 350 минг сўмлик зарар етказилганлиги маълум бўлди.

Икром МАХСУМОВ,
"Ўзнефтгазинспекция" вилоят ҳудудий бўлим бошлиғи.

✓ *Ҳокимга уч савол*

Нуробод тумани ҳокими Фахриддин Зоиров билан туман аҳолисининг бугунги ҳаёти, ютуғи, муаммоси, тумандаги ижтимоий ўзгаришлар, иқтисодий юксалишлар, янги лойиҳаларнинг амалга оширилиши ҳақида анча суҳбатлашдик. Ҳокимнинг таъкидлашича, 2019 йилда туманнинг маҳаллий даромадлар режаси 109,1 фоизга бажарилиб, 94,8 миллиард сўмни ташкил этган. Йил давомида 1647 киши иш билан таъминланган. 114,3 миллиард сўмлик 22 та истиқболли лойиҳа амалга оширилган, мавжуд 159 та саноат корхонаси томонидан 140,7 миллиард сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилган. Ҳудудга 23,2 миллион долларлик хорижий инвестиция жалб этилиб, хорижга 4 миллион 778 минг долларлик маҳсулот экспорт қилинган. Бу рақамлар замирида, албатта, одамларнинг турмуш тарзи яхшилангани ётади.

Мақоламизда бу ҳақда батафсил тўхталишдан кўра ҳокимнинг қуйидаги учта саволга берган жавобини ёзишни маъқул кўрдик: туманда халқ билан яқиндан мулоқот қилиш, муаммоларини ўрганиш, уларга ечим топиш учун нималар қилиняпти? Нуробод туманига хос бўлган 3 та яхши хусусият ва 3 та оғриқли муаммо нима? Туманда ёшлар билан ишлаш, уларни иш билан таъминлаш, эзгу ғоя ва режаларини рўёбга чиқариш учун қандай тадбирлар ишлаб чиқиляпти?

МУАММО КЎП

унинг ечими ташаббускорлик, тадбиркорликда

САЙЁР ҚАБУЛ – АҲОЛИ БИЛАН МУЛОҚОТНИНГ ЭНГ МАЪҚУЛ УСУЛИ

– Аҳоли билан яқин мулоқот қилиш, уларнинг дардини тинглашнинг энг маъқул усули сайёр қабул саналади, – дея гап бошлади Ф.Зоиров. – Қолаверса, туман раҳбарлари халқ ичига кириб бормас экан, одамлар дарду ташвишларини тингламас экан, ҳудудда муаммолар кўпайиб бораверади. Бу борада сайёр қабул ўтказиш яхши самара беради.

Шу билан бирга, Нуробод ҳудуд жиҳатидан жуда катта туман. Аксарият қишлоқлар туман марказидан 100-200 километргача олисда жойлашган. У ерда яшаётган одамларнинг бир муаммони ҳал қилиш учун марказга келиши қийин. Шунинг учун доим олис қишлоқларда сайёр қабуллар ўтказяпмиз. Масалан, шу йилнинг икки ойи давомида Сарой, Сазағон, Пўлатчи, Нурдум, Сариқул, Тим, Чўнқаймиш қишлоқларида сайёр қабул ўтказдик.

Табиийки, сайёр қабулларда ҳудудлардаги муаммоларни имкон қадар ҳал этяпмиз, келгуси дастурларимизни мурожаатлар асосида шакллантириб боряпмиз. Масалан, охирги марта Чўнқаймиш қишлоғида сайёр қабул ўтказдик. Унда аҳолидан юзга яқин муаммо, талаб ва таклиф тушди. Масалан, Раззоқ Ботировнинг мурожаатига асосан қишлоққа кириш қисмидаги йўлни ёзда таъмирлайдиган бўлдик, қишлоқ ҳудудидаги ўндан ортиқ эскирган симёғочни бетон устунларга алмаштирамиз. Йўғрабулоқлик Нормурод Маматовнинг мурожаати бўйича қишлоқ ҳудудида туман маҳаллий бюджети маблағлари ҳисобидан мактаб филиали қуриб берамиз.

Аҳоли томонидан бўлаётган мурожаатлардан одамларимиз қишлоқ врачлик пунктлари ишидан кўнгли тўлмаётгани маълум бўляпти. Тез тиббий ёрдам масаласида муаммолар, афсуски, жуда кўп. Шуларни ҳисобга олиб, иккита олис қишлоқ врачлик пунктини тез тиббий ёрдам машиналари билан таъминладик. Вилоят ҳокимлиги томонидан эса «Тим» қишлоқ врачлик пунктига битта ана шундай тез тиббий хизмат машинаси совға қилинди.

МУАММО 3 ТА ЭМАС, 3 МИНГТА

Нурободликларга хос бўлган хусусиятлар жуда кўп. Шулардан учтаси – меҳнатсеварлик, одамийлик ва орият. Бу хусусиятлар ишда, маърака-машваратда, тадбирлар-у муаммоларни ҳал этишда намоён бўлади, бир-бирини тўлдириб бораверади. Муаммога келсак, очиқ айтаман: муаммомиз 3 та эмас, 3 мингта десам ҳам бўлади.

Бу борада энг оғир муаммолардан бири – йўллар масаласи. Туман ҳудудида жами 1,5 минг километр йўл мавжуд. Бу йўлларнинг аксарияти, айниқса дашт ҳудудлардаги йўллар таъмирга муҳтож. Ўтган йили республика аҳамиятидаги 27 километрлик «Сариқул – Нуробод» йўлини, сўнгра 20 километрлик «Нуробод – Нурбулоқ» йўлини таъмирладик. Айни кунларда эса Нурбулоқ шаҳарчасидан «Самарқанд – Каттақўрғон» автомобиль йўли билан туташувчи 11 километрлик йўл тубдан таъмирланиб, бу ерга асфальт ётқизилмоқда. Рости, йўлларимизнинг ёмонлиги ҳудудга инвестор келишига ҳам салбий таъсир кўрсатаётган эди. Биз давлат дастурлари орқали йўналтирилаётганидан ташқари маҳаллий бюджет маблағларини ҳам асосан йўллар таъмирига сарфлаяпмиз.

Иккинчи катта муаммомиз – аҳолини ичимлик суви билан таъминлаш. Бунга сабаб ҳудуднинг кенглиги, қишлоқларнинг тарқоқ жойлашгани ва ер ости сувлари жуда чекланганидадир. Яъни, туманимизда 500 минг гектар ер майдони бўлса, шунинг атиги 3-3,5 минг гектари ҳудудида ер ости сувлари бор. Булар – Тепақул, Сариқул, Оқсой, Меҳнаткаш, Жом қишлоқлари. Аммо бу ердан артезиан қазиб, 100-150 километр олисдаги қишлоққа сув етказиш мушкул. Лекин аҳолини тоза ичимлик суви билан таъминлаш шарт. Бу борада давлат дастури асосида Олға, Ағрон, Ўртабўз каби йўли узоқлиги боис сув ташиш қийин бўлган қишлоқларга ичимлик сув тармоғи тортилмоқда. Йил охиригача яна 5 миллиард сўмлик лойиҳа асосида йигирма мингдан зиёд аҳоли истиқомат қилаётган олис қишлоқларга ичимлик суви тармоғи тортилади.

Яна бир муаммо – электр энергияси. Тўғри, деярли чироқ ўчмайди. Лекин мавжуд 400 та трансформаторнинг ярми хизмат муддатини ўтаб бўлган. Симёғочлар эскирган. Туманимизда 107 мингта электр узатиш устунлари бор, шунинг 18 мингтаси 50-60 йил аввал ўрнатилган симёғочлар. Очиғи, бу борадаги ишларни имкониятимиз даражасида босқичма-босқич амалга оширяпмиз: ҳар йили элликдан зиёд трансформаторлар янгиланяпти, 3 мингдан ортиқ симёғочлар бетон устунларга алмаштириляпти.

БУГУН ЁШЛАРНИ НИМА ҚИЙНАЯПТИ?

Туманимизда ёшлар 32 минг нафардан зиёдни ташкил этади. Уларнинг ҳар бирининг мақсад-муддаоси, муаммоси, ютуғи, камчилиги, эртанги кун учун ҳаётий режалари бор. Ёшларнинг мақсад, муаммо, таклифларини ҳар ҳафтанинг чоршанбасида тинглаяпмиз, зарур бўлса кўмак беряпмиз, лойиҳаларини қўллаб-қувватлаяпмиз, йўл-йўриқ кўрсатяпмиз.

Масалан, Севинч Элмирзаева ёшлар кутубхонаси ташкил этгани, аммо унда китоб фонди камлигини айтди. 1000 дона китоб жамланмаси олиб бердик. Ёш тадбиркор Ойбек Авғоновнинг лойиҳаси кўпчиликни қизиқтирди. У туманда ўқув маркази ташкил этиш, бунинг натижасида ёшлар олий ўқув юртларига кириш учун тайёргарлик кўриши мумкинлигини таҳлил қилиб берди. Унга янги бино қуриш учун ер майдони ажратиладиган бўлди.

Бугунги кунда туманимизда 1217 нафар ёшлар ишсиз. Уларни иш билан таъминлаш учун олис қишлоқларда ҳам турли лойиҳаларни амалга ошириш бўйича ёшларнинг ўзига маслаҳат бердик, моддий кўмак эса биздан.

Умуман айтганда, ҳудудда ёшларнинг иқтидор ва интилишларини қўллаб-қувватлаш, улар учун муносиб иш жойлари яратиш кун тартибимиздан асло тушмайди.

Акрам ҲАЙДАРОВ ёзиб олди.

Мақолага оид суҳбатнинг видео шаклини ушбу ***QR-код*** *орқали кўришингиз мумкин.*

Гулзода Орзиқуловaнинг муддаоси нима?

Нарпайнинг Олти ўғил маҳалласида яшовчи Гулзода Орзиқулова бунгача бир неча жойга мурожаат қилган. Нега?

У битта нарса сўраяпти, ўғиллари катта бўлиб қолди (икки ўғлининг бири 11-синф, иккинчиси 6-синфда ўқийди), шу сабабли қайнотасидан қолган уйга киритиб қўйишса бас.

Савол кетидан савол туғилади – нима бунга тўсқинлик қиляпти ёки ким бунга қарши? Воқеликнинг моҳияти ҳам аслида шунда.

Ўзининг айтишича, у собиқ турмуш ўртоғи – Бекбой Баратов билан 2010 йилда расман ажрашган. Бунга Б.Баратов Тошкент шаҳрида ишлаш давомида бошқа аёл билан яшаб юрганлиги сабаб бўлган.

У бундан норози эмас, фақат шундоқ ҳам ҳеч ким яшамаётган қайнона-қайнотасидан қолган уйга киритиб қўйишса бўлди.

Тушунгандирсиз, собиқ турмуш ўртоғининг ота-онаси оламдан ўтган. Кенжа ўғил сифатида Б.Баратов асосий меросхўр. Шу боис, у энди болаларига ота-онасидан қолган уй-жойни бериши керак.

Мантиқан олиб қаралганда жўнгина ҳолат. Лекин, нима учун бу масала маҳаллада, борингки, туман ҳокимлиги хотин-қизлар қўмитасида ҳал бўлмади?

Б.Баратовнинг қуйидаги фикрларида бу саволга ўрин қолдирмайди.

– Г.Орзиқулова билан ажрашишимга аслида у ота-онамнинг хизматини қилмаганлиги ҳам сабаб бўлган, – дейди Б.Баратов. – Ўша пайтларда ота-онам ҳовлида келин бўла туриб, рўзғор юмушларида қийналмаслик учун набирасини турмуш ўртоғи билан олиб келганлигини бутун маҳалла билади.

Ўзингиз ўйлаб кўрингчи, тўғри, у билан ўртамизда фарзанд бор, бироқ шундай аёлни ота-онамдан қолган уйга киритиб қўйсам, ака-опаларим нима дейди? Уларнинг ҳам меросда улуши борлиги ўз йўлига, аммо бу ишни қайси мантиққа асосланиб қиламан.

– Қайнонам билан келишмасдан бир ҳовлида яшасам-да рўзғоримни алоҳида қилиб олганим рост, – дейди Г.Орзиқулова. – Айнан шу кишининг зуғуми билан 2012 йилда ажрашишга мажбур бўлдим. Чунки бу пайтда турмуш ўртоғим Тошкентда бошқа аёл билан яшаб келаётганди.

Менга алам қиладигани, у илгари болаларимни кийинтириб турарди. Ўтган йили қишки кийим қилиб бермади. Бир боламга 150 минг сўмдан бераётган алимент пули нима бўлади? Ваҳоланки, топиш-тутиши яхши. Отасидан қолган чолдеворни берса, шу болалари учунку.

Биз бу масалада ҳам собиқ турмуш ўртоғининг фикрлари билан қизиқдик.

– Собиқ турмуш ўртоғимни ёмонламоқчи эмасман, лекин битта нарса – ота уйигаки сиғмаётган аёлни нима деб, ёнини олаяпсиз, – дейди Б.Баратов. – Мен пуштикамаримдан бўлган болаларимни кўчага ташлаб қўйиш ниятим йўқ. Ана сўранг-суриштиринг, ўзим Тошкентда бўлганим билан ер участкам бор. Баҳорда бориб, ўша жойдан болаларим учун уй қуриш ниятидаман. Гулзодани мақсади фақат отамдан қолган уйга кириб олиш, лекин бу масалани мен бир ўзим ҳал қилолмайман...

– Тўғри, участка бор, – дейди айни пайтда Тошкент вилоятдаги кафелардан бирида коса-товоқ ювиб юрган Г.Орзиқулова. – Уй қуриши-қурмаслиги бошқа масала. Қайнотамдан қолган уйга кириб турсак, бунинг нимаси ёмон, уй шундайига ҳам бўш турибдику.

Азиз муштарий, биз ким ҳақ, ким ноҳақлигини айтмоқчи эмасмиз. Қолаверса, бу бизнинг ҳам, Гулзода опа бир неча инстанцияларига мурожаат қилган бошқарув органларининг ҳам ваколатига кирмайди. Бузилган ҳуқуқлар фақат суд орқали тикланади ёки важлар рад қилинади. Биз воқеликни баён қилдик, хулоса ўзингиздан.

Ё.ГАДОЕВ тайёрлади.

Банк тизими фидойиси

Ўзбекистонда хизмат кўрсатган иқтисодчи Абдурафиқ АҲАДОВ 75 ёшда

Банк, молия соҳасида ёрқин из қолдирган, умрининг йигирма йилини Олий Мажлис депутати сифатида ўтказган Абдурафиқ Аҳадов иқтисодиёт соҳасида ўзига хос мактаб яратган.

Шу боис биз унинг ҳаёт йўли ва жўшқин фаолияти, бўлғуси иқтисодчиларга ибрат бўларли томонлари хусусида сўз юритмоқчимиз.

Абдурафиқ Аҳадов 1945 йилда Самарқанд туманида таваллуд топди. Мактабда таълим олгач, Тошкент халқ хўжалиги институтида ўқиди. Меҳнат фаолиятини 1962 йилда Тошкент тўқимачилик комбинатида бошлади. Ҳарбий хизматдан қайтгач, Давлат банкининг Самарқанд вилоят идорасида кредитлаштириш инспектори, катта инспектори, катта тафтишчи, 1978 йилдан Давлат банки Оқтош бўлими, 1985 йилдан эса Темирйўл бўлими бошқарувчиси лавозимларида фаолият кўрсатди. 1986 йилдан Қорақалпоғистонда давлат банки бошқарувчиси бўлиб ишлади. Орадан бир йил ўтгач Қорақалпоғистон Республикаси иқтисодий бошқарув соҳасида хизмат қилди. 1990 йил бошида Вазирлар Кенгаши (ўша даврда Министрлар Совети деб юритиларди) Ташкилий ишлар ва халқ хўжалигини ривожлантириш бўлимида бошлиқ ўринбосари, сўнгра Ўзбекистон Республикаси Деҳқончилик саноати банки бошқарувчиси вазифаларини адо этди.

Банк тизимида ишлаш, унинг нонини ҳалол ейиш осон иш эмас. Айниқса, республикамиз мустақилликни қўлга киритгунича банк тизимида иш ҳақи кам, ходим бир пайтнинг ўзида барча корхоналарга хизмат кўрсатиши боис уларнинг хўжалик фаолиятини атрофлича тушуниб, бухгалтерия балансларини таҳлил эта олиши зарур эди. Бу масъулиятли йўлдан Абдурафиқ Аҳадов собитқадамлик билан ўтиб келди. Ўттиз уч ёшида раҳбарлик курсисига ўтирди. Бу камдан-кам учрайдиган ҳолат эди. Ёки ўша пайтларда марказ деб аталмиш «баланд қўрғон» тасдиғидан ўтиб келиш осон эмасди.

Катта билим ва тажрибага эга Абдурафиқ Аҳадов мамлакат миқёсида банк тизимини янада равнақ топтириш, пул муомаласини барқарорлаштириш, молиявий интизомга риоя қилиш ишларига, айниқса, аграр секторни қайта янгилаш борасидаги давлат дастурларини амалга оширишга муносиб ҳисса қўшди. Европа Тикланиш ва Тараққиёт банкида Ўзбекистон вакилининг ўринбосари бўлиб ишлаган кезларда Халқаро валюта фонди, Жаҳон банки учун йиллик ҳисоботларни тайёрлаш, чет эл инвестициясини жалб этишда ва мамлакатимиз молия тизимини халқаро андазаларга мос тарзда олиб чиқиш учун жонкуярлардан бири бўлди.

Абдурафиқ Аҳадов Олий Мажлиснинг Бюджет, банк ва молия масалалари қўмитаси раиси, 2005 йилдан эътиборан Қонунчилик палатасининг Бюджет ва иқтисодий ислоҳотлар қўмитаси раиси сифатида фаол иш олиб борди. Юртимизда қонун устуворлигини таъминлаш, эркин бозор иқтисодиёти тамойилларига асосланган демократик давлатнинг ҳуқуқий асосларини яратишда фаол иштирок этди. 1995 йилда «Ўзбекистон Марказий банки тўғрисида»ги ва «Ўзбекистон Республикасида банклар ва банк фаолияти тўғрисида»ги алоҳида қонунлар муҳокамага қўйилиб тасдиқланди.

Устоз мақсадли равишда фан билан шуғулланмаган бўлса-да, шу соҳада илм билан машғул бўлган ёшларни доимо қўллаб-қувватлаб келди. Бир ҳисобдан бизларнинг ҳам банк тизимига раҳбарлик вазифаларига келишимизга айнан Абдурафиқ аканинг фикри асос бўлган. У киши тизим учун кадр тайёрловчи олийгоҳ кафедраси билан яқин муносабат ўрнатган. Кўпчилик олимларимиз устоз томонидан берилган таклифлардан ўринли фойдаланиб келишмоқда. А.Аҳадов соҳага оид бир қатор китоб ва рисолар чоп эттиргани билан ҳам ажралиб туради.

Ўзбекистонда хизмат кўрсатган иқтисодчи Абдурафиқ Аҳадов бугун 75 баҳорни қарши олмоқда. Баҳор каломини бежизга ишлатмадик. Чунки катта билим ва салоҳиятга эга бу инсон хонадони доимо баҳорни эслатади. Мўъжазгина ҳовлида турли кўчат ва гуллар доимо қулф уриб туради. Тўрт фарзанд, тўққиз набирани қуршовида бўлган, гулу гулзорларни парваришлашни хуш кўрадиган Абдурафиқ акани биз ҳам қутлаб, устозга баҳорий кайфият тилаймиз.

Ашур ҚОДИРОВ,
Қобилжон ТОШМАТОВ.

Бердирасул Аминов Иштихон туманидаги Картепа қишлоғида яшайди. 1943 йилдан 1950 йилга қадар - етти йил жанггоҳларда немис фашистларига қарши курашган Бердирасул бобо Берлинга қадар борган ва ғалаба онларига гувоҳ бўлган. Мардлик ҳамда жасорати учун кўплаб орден-медаллар билан тақдирланган.

Қадримиз улуғ

дейди Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиси Бердирасул Аминов

Биз уруш фахрийси истиқомат қилаётган қишлоққа бордик. Бердирасул бобо набираси билан қуёшга тобланиб ўтирган экан. Саломлашиб, ҳол-аҳвол сўрадик ва газетага ёзмоқчилигимизни билдирдик.

Бобо ўтган оловли, қонли кунлар ёдига тушди шекилли бироз ўйга чўмиб қолди. Назаримда у босиб ўтган жанговар йўл шундоққина кўз ўнгидан ўтаётган эди.

... Бердирасул Аминов урушга 1943 йилда 17 ёшида чақирилди. Унгача хўжаликда колхозчи бўлиб ишларди. Ҳарбий қисмда тайёргарликни ўтагач, уни аввал Москвага, кейинчалик Брест шаҳрига олиб боришди. Ўша пайтларда немис босқинчилари анча кейинга улоқтириб ташланган бўлса-да, ҳар бир қишлоқ ва шаҳар учун қақшатқич жанглар бўлаётган эди.

Бердирасул Аминов ва у билан бирга бўлган жангчилар қўлига шу ерда қурол беришади ва улар 2-Белоруссия фронти таркибида урушга киришади.

Б.Аминовнинг жанговар йўли кейинчалик Польшани озод қилишда, Германияни тозалашда кечган шиддатли жанглар билан боғлиқ кечди. Одер дарёси кечувида қатнашди. Яраланиб, ўттиз кун деганда госпиталда даволаниб чиқди.

Ғалабани Берлинда қарши олган Бердирасул бобо уруш тугаган бўлишига қарамай яна ҳарбий хизматга олиб қолинади. Германия ва Польшанинг турли шаҳарларида хизмат қилади. 1948 йилда таътилга чиқиб, 45 кунга уйига келиб кетади ва Дрезден шаҳрида хизматини давом эттиради. Бу хизмат 1950 йилгача узайтирилиб сўнгра она қишлоғига қайтади.

Уруш йилларини ёдга олар экан, қанчадан-қанча сафдошлари, бегуноҳ кишилар ёвузлик қурбонига айланганини бот-бот эслади.

Ҳарбий хизматдан кейин Бердирасул бобо собиқ Фрунзе номли жамоа хўжалигида ҳисобчи, узоқ йиллар давомида табелчи ва бригада бошлиғи сифатида фаолият кўрсатди. Ҳалол ишлаб олти нафар фарзандни тарбиялаб ўстирди. Хизматлари эвазига элда обрў-эътибор қозонди.

- Давлатимиз томонидан биз, уруш фахрийларига кўрсатилаётган эътибор ва ғамхўрликдан бошимиз осмонга етмоқда, - дейди отахон. – Яшашимиз учун қулай шарт-шароитлар яратиб берилмоқда. Соғлиғимизни тиклаш учун санаторийларга бепул йўлланмалар берилиб, ҳолимиздан хабар олиб туришибди. Энг катта мукофот қадримиз улуғланаётганида.

Тоҳир НОРҚУЛОВ.

REKLAMA, E'LONLAR, BILDIRISHLAR / Газетамиз ҳафтада уч марта – сешанба, пайшанба ва шанба кунлари чоп этилади / Газетада чоп этилаётган реклама ва эълонлар тезкор, самарали ва ҳамёнбоп / МУРОЖААТ УЧУН ТЕЛЕФОН: (0366) 233-91-56

ЙИҒИЛИШДА ҚАТНАШИНГ!

Пайариқ тумани «Челак деҳқон бозори» масъулияти чекланган жамияти таъсисчиларининг навбатдаги умумий йиғилиши 2019 йил 14 март куни соат 10:00 да Пайариқ тумани Янги ҳаёт маҳалласида, жамият биносида бўлиб ўтади.

Кун тартибида:

1. Жамиятнинг 2019 йил молиявий хўжалик фаолияти натижалари тўғрисида жамият бошқарувининг ҳисоботи;

2. Жамиятнинг 2019 йилги бухгалтерия балансини тасдиқлаш;

3. Жамиятнинг 2019 йил 1 январдан 2020 йил 1 январгача бўлган даври учун берилган аудиторлик хулосасини тасдиқлаш;

4. Жамиятнинг 2020 йил учун тузилган бизнес режасини тасдиқлаш;

5. Жамият бошқаруви раиси билан тузилган меҳнат шартномасини узайтириш;

6. 2019 йил якуни билан олинган жамият соф фойдасини кўриб чиқиш ва тақсимлаш;

7. «Челак деҳқон бозори» МЧЖга қарашли умумий ер майдони 1 гектар бўлган "Мол бозори" филиали ер майдонини туман ҳокимлиги захирасига қайтариш тўғрисида;

8. «Челак деҳқон бозори» МЧЖга қарашли "Мол бозори" филиали фаолиятини қонунда белгиланган тартибда кўриб чиқиш.

ЖАМИЯТ МАЪМУРИЯТИ.

Миннатдорман

Нафақадаман, қон босимим ошиб, Самарқанд шаҳар тиббиёт бирлашмасида ётиб даволандим, ҳозирда соғлиғим анча яхши. Барча соҳалардаги каби тиббиёт соҳасида ҳам бўлаётган яхши ўзгаришлар ўз самарасини бераётганига гувоҳ бўлдим. Шифохонада яратилган шарт-шароитлар ҳавас қилгудек.

Шифохона бош врачи Аҳмаджон Бобожонов тез-тез ҳолимдан хабар олиб касалликни енгишимда катта ёрдам берди. Қўли эм шифокорлар, хушмуомала ҳамшираларнинг саъй ҳаракати билан тузалиб, оилам даврасига қайтдим.

Самарқанд шаҳар тиббиёт бирлашмаси раҳбарияти, жонлантириш бўлими врачи Адиба Азимова, нейрохирургия бўлими бошлиғи Раҳматилла Бектошев, врач Нодир Хўжаев, ҳамширалар Фарида, Ситора, Дилшода ва бошқа ходимларига миннатдорлик билдираман. Шифохонада хизмат қилаётган хотин-қизларни яқинлашиб келаётган 8 март – Халқаро хотин-қизлар куни билан чин дилдан табриклайман. Сизларга сиҳат-саломатлик, оилавий бахт, эл соғлиғи йўлидаги ишларингизга муваффақият тилайман.

Аваз ЮЛДОШЕВ,
Самарқанд шаҳри.

«ОЧИҚ ЭШИКЛАР КУНИ» ЎТКАЗИЛАДИ

*Ўзбекистон Республикаси Монополияга қарши курашиш қўмитаси ҳузуридаги истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш агентлигининг 2020 йил 28 февралдаги 19-и/ч сонли буйруғи ижросини таъминлаш мақсадида Самарқанд вилоят монополияга қарши курашиш ҳудудий бошқармаси биносида **шу йил 13 март куни соат 9:00 дан 12:00 гача** истеъмолчилар, жамоатчилик ва оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирокида «Очиқ эшиклар куни» тадбири ўтказилади.*

БОШҚАРМА МАЪМУРИЯТИ.

* * *

ДАЪВОЛАР БЎЛСА

Самарқанд шаҳридаги «MUKUMIY SERVICE" оилавий корхонаси (СТИР: 302161677) ўз устав фондини 131 676 361 (бир юз ўттиз бир миллион олти юз етмиш олти минг уч юз олтмиш бир) сўмдан 117 913 399 (бир юз ўн етти миллион тўққиз юз ўн уч минг уч юз тўқсон тўққиз) сўмга камайтирмоқда.

Шу муносабат билан унга билдириладиган барча даъволар газетада эълон чоп этилгач, бир ой давомида қабул қилинади.

Манзил: Самарқанд шаҳри Чўпон ота маскани, 17-"А" уй.

* * *

Самарқанд шаҳар «Ягона дарча» марказидан 2018 йил 2 февралда 567212 реестр рақами билан рўйхатга олинган «STROY CITI» масъулияти чекланган жамияти (қисқартирилган номи: «STROY CITI» МЧЖ) жамият ягона таъсисчисининг 2020 йил 4 мартдаги 1-сонли қарорига асосан ихтиёрий равишда тугатилмоқда.

Шу муносабат билан унга билдириладиган барча эътирозлар газетада эълон чоп этилгач, икки ой давомида қабул қилинади.

Жамиятнинг почта манзили: Ўзбекистон Республикаси Самарқанд вилояти Самарқанд шаҳри Али Қушчи кўчаси, 37-уй.

Жамиятнинг солиқ тўлайдиган идентификацион рақами (СТИР): 305270642.

* * *

Самарқанд шаҳар давлат хизматлари марказидан 2018 йил 13 июлда 622308 реестр рақами билан рўйхатга олинган «SAMARKAND PROGRESS TOUR SERVICE 777» масъулияти чекланган жамияти (қисқартирилган номи: «SAMARKAND PROGRESS TOUR SERVICE 777» МЧЖ) жамият ягона таъсисчисининг 2020 йил 4 мартдаги 1-сонли қарорига асосан ихтиёрий равишда тугатилмоқда.

Шу муносабат билан унга билдириладиган барча эътирозлар газетада эълон чоп этилгач, икки ой давомида қабул қилинади.

Жамиятнинг почта манзили: Ўзбекистон Республикаси Самарқанд вилояти Самарқанд шаҳри Кўксарой майдони, 1-уй.

Жамиятнинг солиқ тўлайдиган идентификацион рақами (СТИР): 305650629.

* * *

Самарқанд шаҳар давлат хизматлари марказидан 2019 йил 21 февралда 690521 реестр рақами билан рўйхатга олинган «MUXTORBEK BARAKA SERVIS SAVDO» масъулияти чекланган жамияти (қисқартирилган номи: «MUXTORBEK BARAKA SERVIS SAVDO» МЧЖ) жамият ягона таъсисчисининг 2020 йил 4 мартдаги 1-сонли қарорига асосан ихтиёрий равишда тугатилмоқда.

Шу муносабат билан унга билдириладиган барча эътирозлар газетада эълон чоп этилгач, икки ой давомида қабул қилинади.

Жамиятнинг почта манзили: Ўзбекистон Республикаси Самарқанд вилояти Самарқанд шаҳри Мовароуннаҳр кўчаси.

Жамиятнинг солиқ тўлайдиган идентификацион рақами (СТИР): 306168355.

* * *

Самарқанд шаҳар «Ягона дарча» марказидан 2017 йил 6 майда 515565 реестр рақами билан рўйхатга олинган «ZAMINI REGISTON» оилавий корхонаси (қисқартирилган номи: «ZAMINI REGISTON» ОК) корхона ягона таъсисчисининг 2020 йил 7 февралдаги 1-сонли қарорига асосан ихтиёрий равишда тугатилмоқда.

Шу муносабат билан унга билдириладиган барча эътирозлар газетада эълон чоп этилгач, икки ой давомида қабул қилинади.

Жамиятнинг почта манзили: Ўзбекистон Республикаси Самарқанд вилояти Самарқанд шаҳри Сўзангарон кўчаси, 5-уй.

Жамиятнинг солиқ тўлайдиган идентификацион рақами (СТИР): 304878454.

* * *

Самарқанд шаҳар давлат хизматлари марказидан 2018 йил 29 мартда 594746 реестр рақами билан рўйхатга олинган "STAR MED CENTR" масъулияти чекланган жамияти (қисқартирилган номи: "STAR MED CENTR" МЧЖ) жамият таъсисчиларининг 2020 йил 4 мартдаги 1-сонли умумий йиғилиш қарорига асосан ихтиёрий равишда тугатилмоқда.

Шу муносабат билан унга билдириладиган барча эътирозлар газетада эълон чоп этилгач, икки ой давомида қабул қилинади.

Жамиятнинг почта манзили: Ўзбекистон Республикаси Самарқанд вилояти Самарқанд шаҳри Ўзбекистон кўчаси, 28-«А» уй, 2-хона.

Жамиятнинг солиқ тўлайдиган идентификацион рақами (СТИР): 305444345.

* * *

Пайариқ туман 2-сон давлат нотариал идорасида марҳум Қаршибаев Жамшид Эргашбаевича (2019 йил 19 октябрда вафот этган) қарашли мол-мулк учун мерос иши очилмоқда. Шу муносабат билан меросхўрларнинг Пайариқ туман 2-сон давлат нотариал идорасига мурожаат этишларини сўраймиз.

Манзил: Пайариқ тумани Пайариқ шаҳарчаси, Чўлпон кўчаси.

* * *

Паст Дарғом туман 1-сон давлат нотариал идорасида марҳум Холикова Рохатойга (2016 йил 26 ноябрда вафот этган) қарашли мол-мулк учун мерос иши очилмоқда. Шу муносабат билан меросхўрларнинг Паст Дарғом туман 1-сон давлат нотариал идорасига мурожаат этишларини сўраймиз.

Манзил: Паст Дарғом тумани Жума шаҳри, Нодирабегим кўчаси.

* * *

Каттақўрғон туман 1-сон давлат нотариал идорасида марҳум Умаров Содиқ Очиловичга (2004 йил 11 мартда вафот этган) қарашли мол-мулк учун мерос иши очилмоқда. Шу муносабат билан меросхўрларнинг Каттақўрғон туман 1-сон давлат нотариал идорасига мурожаат этишларини сўраймиз.

Манзил: Каттақўрғон тумани Пайшанба шаҳарчаси, Алишер Навоий кўчаси.

* * *

Самарқанд шаҳар 1-сон давлат нотариал идорасида марҳум Хасанов Қурбон Хасановичга (2009 йил 28 августда вафот этган) қарашли мол-мулк учун мерос иши очилмоқда. Шу муносабат билан меросхўрларнинг Самарқанд шаҳар 1-сон давлат нотариал идорасига мурожаат этишларини сўраймиз.

Манзил: Самарқанд шаҳри Абдураҳмон Жомий кўчаси, 64-уй.

* * *

Самарқанд шаҳар 13-сон давлат нотариал идорасида марҳум Асланов Хамди Назировичга (2015 йил 27 майда вафот этган) қарашли мол-мулк учун мерос иши очилмоқда. Шу муносабат билан меросхўрларнинг Самарқанд шаҳар 13-сон давлат нотариал идорасига мурожаат этишларини сўраймиз.

Манзил: Самарқанд шаҳри Нодирабегим кўчаси, 5/1-уй.

* * *

Самарқанд шаҳар 1-сон давлат нотариал идорасида марҳум Тайберт Фрида Александровнага (2017 йил 19 августда вафот этган) қарашли мол-мулк учун мерос иши очилмоқда. Шу муносабат билан меросхўрларнинг Самарқанд шаҳар 1-сон давлат нотариал идорасига мурожаат этишларини сўраймиз.

Манзил: Самарқанд шаҳри Абдураҳмон Жомий кўчаси, 64-уй.

* * *

Пайариқ туман 2-сон давлат нотариал идорасида марҳум Сеитосманов Шевкетга (2018 йил 11 июнда вафот этган) қарашли мол-мулк учун мерос иши очилмоқда. Шу муносабат билан меросхўрларнинг Пайариқ туман 2-сон давлат нотариал идорасига мурожаат этишларини сўраймиз.

Манзил: Пайариқ тумани Пайариқ шаҳарчаси, Чўлпон кўчаси.

* * *

Самарқанд шаҳар 6-сон давлат нотариал идорасида марҳум Каюмова Невараойга (1991 йил 3 сентябрда вафот этган) қарашли мол-мулк учун мерос иши очилмоқда. Шу муносабат билан меросхўрларнинг Самарқанд шаҳар 6-сон давлат нотариал идорасига мурожаат этишларини сўраймиз.

Манзил: Самарқанд шаҳри Амир Темур кўчаси, 36-уй.

* * *

Пайариқ туман 1-сон давлат нотариал идорасида марҳум Абдуллаев Нарзулла Темировичга (2019 йил 2 июлда вафот этган) қарашли мол-мулк учун мерос иши очилмоқда. Шу муносабат билан меросхўрларнинг Пайариқ туман 1-сон давлат нотариал идорасига мурожаат этишларини сўраймиз.

Манзил: Пайариқ тумани Челак шаҳарчаси Истиқлол кўчаси, 73-уй.

* * *

Каттақўрғон туман 1-сон давлат нотариал идорасида марҳум Усманов Нафасга (2019 йил 27 мартда вафот этган) қарашли мол-мулк учун мерос иши очилмоқда. Шу муносабат билан меросхўрларнинг Каттақўрғон туман 1-сон давлат нотариал идорасига мурожаат этишларини сўраймиз.

Манзил: Каттақўрғон тумани Пайшанба шаҳарчаси, Алишер Навоий кўчаси.

* * *

Пайариқ туман 2-сон давлат нотариал идорасида марҳум Исмоилов Эсиргап Норматовичга (2019 йил 6 июлда вафот этган) қарашли мол-мулк учун мерос иши очилмоқда. Шу муносабат билан меросхўрларнинг Пайариқ туман 2-сон давлат нотариал идорасига мурожаат этишларини сўраймиз.

Манзил: Пайариқ тумани Пайариқ шаҳарчаси, Чўлпон кўчаси.

* * *

Самарқанд шаҳар 17-сон давлат нотариал идорасида марҳум Каграманов Владимир Абрамовичга (2006 йил 10 ноябрда вафот этган) қарашли мол-мулк учун мерос иши очилмоқда. Шу муносабат билан меросхўрларнинг Самарқанд шаҳар 17-сон давлат нотариал идорасига мурожаат этишларини сўраймиз.

Манзил: Самарқанд шаҳри Мирзо Улуғбек кўчаси, 80-уй.

* * *

БЕКОР ҚИЛИНАДИ

Самарқанд шаҳридаги Мирзо Улуғбек номли 1-физика-математика лицейидан 2001 йилда Закиров Одил Яшинович номига берилган O'R-B № 0091049 рақамли ўрта маълумот тўғрисидаги аттестат йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

* * *

Оқдарё туманидаги 20-умумий ўрта таълим мактабидан 1997 йилда Холиқулов Жамшид Собирович номига берилган O'R-A № 148984 рақамли ўрта маълумот тўғрисидаги шаҳодатнома йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

* * *

Ургут туман ер тузиш ва кўчмас мулк кадастри давлат корхонасидан «NUROBOD BIZNES SERVIS» масъулияти чекланган жамиятига қарашли тикувчилик цехи (ертўлали) ва маъмурий бино учун 2016 йилда берилган кадастр ҳужжатлари тўплами йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

* * *

Самарқанд туманидаги Рустамов Сунатилло Мусомамадиевич (марҳум) якка тартибдаги тадбиркорига тегишли, Самарқанд туман давлат солиқ инспекциясидан рўйхатга олинган «МЕРКУРИЙ-115Ф» русумли назорат касса машинасининг рўйхатга олиш китоби йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

* * *

Нуробод педагогика коллежидан 2012 йилда Бердимуродов Фурқат Алишер ўғли номига берилган К № 2533850 рақамли диплом ва унинг иловаси йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

* * *

Каттақўрғон туманидаги 61-умумий ўрта таълим мактабидан 2008 йилда Салимова Юлдуз Сувоновна номига берилган O'R-SH № 081772 рақамли ўрта маълумот тўғрисидаги шаҳодатнома йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

* * *

Каттақўрғон туманидаги 34-умумий ўрта таълим мактабидан 2008 йилда Иззатуллаева Муҳайё Иззатулло қизи номига берилган U № 3102730 рақамли умумий ўрта таълим тўғрисидаги шаҳодатнома йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

* * *

Каттақўрғон туманидаги 33-умумий ўрта таълим мактабидан 2007 йилда Тошниязова Гулхаё Бахтиёр қизи номига берилган U № 2510508 рақамли умумий ўрта таълим тўғрисидаги шаҳодатнома йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

* * *

Паст Дарғом туманидаги 28-сон ихтисослаштирилган давлат умумтаълим мактаб-интернатидан 1999 йилда Мизамова (ҳозирда Тураева) Малика Абдуллаевна номига берилган UZB № 004600 рақамли аъло даражали ўрта маълумот тўғрисидаги шаҳодатнома йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

* * *

Самарқанд шаҳар 37-ҳунар техника билим юртидан 1990 йилда Камаров Шамсиддин Муминджанович номига берилган рўйхат рақами 54, № 134205 рақамли диплом ва унинг иловаси йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

* * *

Паст Дарғом туманидаги «OLMOS BOBO» фермер хўжалигининг думалоқ муҳри ва бурчак тамғаси йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

* * *

Самарқанд вилоят техник инвентарлаш идорасидан Сувонов Абдулло Хайитович номига Самарқанд шаҳри Саодат кўчаси, 19-уй учун берилган уй режаси китоби ва шу уйнинг уй дафтари йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

* * *

Самарқанд шаҳридаги 40-умумий ўрта таълим мактабидан 2005 йилда Иргашев Умед Исомович номига берилган U № 1693154 рақамли умумий ўрта таълим тўғрисидаги шаҳодатнома йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

* * *

ТОПГАНГА МУКОФОТ!

Самарқанд вилоят ички ишлар бошқармасидан 2014 йилда Жўраев Алишер Муҳаммадовичга берилган пенсия гувоҳномаси Иштихон тумани ҳудудида тушириб қолдирилган. Ушбу ҳужжатни топганлардан мукофот эвазига қайтаришларини сўраймиз.

Телефон: +99898-573-17-67.

Вилоят касаба уюшмалари ташкилотлари бирлашмаси ҳамда барча тармоқ касаба уюшма кенгашларининг жамоалари таълим, фан ва маданият ходимлари касаба уюшмаси Ургут туман кенгаши раиси Мадина Баротовага отаси **Раҳмон БАРОТОВ**нинг вафоти муносабати билан таъзия изҳор этади.

Уйидан чиқиб кетиб, уйига қайтишни истамаётган БОЛАЛАР

(Давоми. Бошланиши 1-саҳифада).

БОЛА ЭМАС, ОТА-ОНА БИЛАН ИШЛАШ КЕРАК

- Юқорида номлари келтирилаётган мактаб-интернатлар фаолияти билан танишганда, у ердаги болаларнинг 5 фоизи жиноятга қўл ургани, қолган 95 фоизи, шунчаки оиласига керак бўлмаган болалар эканлиги маълум бўлди, - дейди ЮНЕСКОнинг Ўзбекистондаги ваколатхонаси вакили А.Гаспарян. – Афсуски, ота-она билан ишлаш ўрнига, болалар оиласидан ажратилиб, улкан бир муассасага жойлаштирилди. Энг ёмони, ушбу муассасада бола яхши томонга ўзгариши кам кузатилди. Бугун ота-оналар билан кўпроқ ишлаш кераклиги ойдинлашяпти. Бола учун уйидан, ота-онасидан, яқинларидан яхшироқ маскан йўқ. Буни ҳар бир ота-она, бу мақомга эга бўлишидан олдин англаши керак. У туғилажак фарзандига оталик ё оналик қилоладими ўзи? Ёки фарзандли бўлса бўлдими, қолгани ўз йўлида давом этадими? Ота-онанинг тушунчаси қандай?

Ўзбекистонда фаолияти бевосита оилалар билан ишлашни тақозо қиладиган ташкилотлар бошқа давлатларга нисбатан анча кўп. Демак, бу масалада жиддий ишлаш керак. Муҳими, ушбу ташкилотлар фаолиятини тизимлаштириш, оилалар билан ишлашда битта жамоага айлантиришда.

«ИНТЕРНАТГА ҚАЙТИШНИ ИСТАЙМАН...»

Тойлоқ туманида Чиноздаги мактабдан қайтиб келган қиз билан ўша маҳалла фаоллари, профилактика инспектори шуғулланмоқда. Буни қарангки, ота-она фарзандининг уйга қайтишини истамайди, қизнинг ҳам бу оилада қолишга хоҳиши йўқ. Гап шундаки, қизни болалигидан ота-онаси эмас, аммаси тарбия қилган. Оилада бошқа фарзанд бўлмагани сабабли эркин ўсди, истаган жойига борди, истаганини кийди. Аммо улғайгани сари на аммасининг, на ота-онасининг айтганини қилди. Натижада нохуш вазиятларга дуч келди, уйдан кетиб қоладиган одат чиқарди. Кейин тарбияси оғир бола сифатида Чиноздаги интернатга жўнатилди. Энди муддат ўтгач, қайтиб келиши керак, аммо мана бир неча ойдирки, у аллақачон ўша қилиқларини бошлаган. На каттанинг, на кичикнинг гапига қулоқ солади. Тумандаги ташкилот вакилларининг айтишича, ота-онаси бир неча марта қизи туфайли маъмурий жавобгарликка тортилган. Аммо натижа йўқ. Оиладаги муҳит яхши, уларнинг молиявий аҳволи ҳам ёмонмас. Лекин нега қиз ўз уйидан, ота-она эса қизидан безор? Хўш, бундай ҳолатда мутасаддилар нима қила олади? Улар қандай йўл тутиши керак?

ОТА-ОНАЛИК МАЖБУРИЯТИНИ БАЖАРМАСЛИК КОНСТИТУЦИЯГА ЗИД

- Бу масалада биринчи навбатда шуни таъкидлаш керакки, болага биратўла иккита ташкилот масъул бўлолмайди, - дея бу вазиятга изоҳ берди А.Гаспарян. – Ота-она битта ташкилот бўлса, давлат бу – иккинчи ташкилот. Асосий масъулият бир томонда бўлиши керак. Баъзи ота-оналар учун эса гўёки бола машина, истаса ўз уйида сақлайди, халақит берса, гаражга қўйиб қўйиш керак, деб ҳисоблайди. Тилимизда ҳуқуқ тушунчаси кенг маънога эга. Аммо ота-оналик ҳуқуқи мажбурият билан тенгма-тенг тарзда олиб борилувчи тушунчадир. Яъни, ота-она фарзандининг тарбиясини бўйнига олмаслиги, буни истамаслиги мумкин эмас, бу ҳатто конституцияга зид ҳолат. Ота-она фарзандини тўлиғича давлатга топшириб қўймоқчими, уни суд орқали ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум қилиш керак. Оиласидан меҳр, тушуниш тополмаган, кераклилигини ҳис қилмаган фарзандгина уйидан кетишни истайди. Болага унинг керакли эканлигини билдириб туриш керак. Уйида ногирон фарзанди бор, қарияси бор оилалар мавжуд. Шу хонадонга бу каби болаларни бириктириб қўйиш иккала томон учун ҳам фойдали бўларди.

«ҲАММА АЙТГАНЛАРИНГИЗГА РОЗИМАН, УЙИМГА ҚАЙТСАМ БЎЛДИ»

Ургут туманида 17 ёшли Маликни олиб кетишга борган маҳалла фаоллари ўша ердаёқ «Бу ерга бошқа қайтмайман, илтимос, майли, барча айтганларингизни бажараман» дея кўзда ёш билан ваъда берди. Қишлоққа қайтгач, ўз сўзи устидан чиқяпти. Маҳалла фаоллари, участка нозири оиладан доимо хабардор.

- Ҳозирги кунда интернатдан қайтиб келган боланинг оиласини оила деб аташ ҳам қийин, - дейди мутахассис опа (маълум сабабларга кўра маҳалла номини ошкор қилмаймиз). - Онаси ўн йилдан буён Россияда, қизларини турмушга бериб, яна кетиб қолди. Ота ичкиликка берилган. Бу хонадонда боланинг аҳволи қийин бўлишини ҳисобга олиб, уни бувига, васийликка топширдик. Ҳозирги кунда тўгаракларга қатнаяпти, болага сезиб-сездирмай назорат қилиб турибмиз.

Дарвоқе, республика «Оила» илмий-амалий тадқиқот маркази томонидан ЮНИСЕФ техник кўмаги билан ва Буюк Британия элчихонаси маблағи ёрдамида амалга оширилаётган "Вояга етмаганлар ўртасида ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тизимидаги ислоҳотларни кучайтириш ва ихтисослаштирилган ўқув-тарбия муассасаларидаги болаларнинг реинтеграция ва реабилитациясини қўллаб-қувватлаш» лойиҳаси Самарқанддаги барча шаҳар ва туманларни қамраб олди.

Гулруҳ МЎМИНОВА.

Ютуқларимиз салмоқли

Жомбой тумани болалар ва ўсмирлар спорт мактабида 31 нафар мураббий-ўқитувчи 15 спорт тури бўйича машғулот олиб бормоқда.

Ўтган давр мобайнида тарбияланувчиларимиз орасидан бир қанча чемпион спортчилар етишиб чиқди.

Жумладан, спорт мактабида олимпия спорт турларидан футбол бўйича вилоят терма жамоаси таркибида 4 нафар, баскетбол спорт туридан 20 нафар тарбияланувчимиз Ўзбекистон чемпионати совриндори, 1 нафар шогирдимиз стол тенниси спорт турида Ўзбекистон чемпиони бўлди.

Умуман, ўтган йилда спортчи-ўқувчиларимиз республика чемпионат ва кубокларида 29 та олтин, 31 та кумуш, 46 та бронза медалларини қўлга киритди.

Қувонарлиси, ўқувчиларимиз халқаро мусобақаларда ҳам совринли ўринларга даъвогарлик қилмоқда. Жумладан, Қозоғистоннинг Алмати шаҳрида бўлиб ўтган қўл жанги бўйича жаҳон чемпионатида Шоҳсанам Сафарова биринчи ўринни эгаллади.

Тошкент шаҳрида ўтказилган пенчак-силат бўйича Ўрта Осиё чемпионатида Абдулла Абдуалимов кумуш, Қирғизистоннинг Бишкек шаҳрида ташкил қилинган чемпионатда бронза медалига сазовор бўлди.

Мактабимиз собиқ тарбияланувчиси Навбаҳор Ҳамидова бокс бўйича Монголиянинг Улан-Батор шаҳрида бўлиб ўтган ёшлар ўртасидаги Осиё чемпионатида кумуш медалга эга чиқди.

Э.АМЕДИЕВ, болалар ва ўсмирлар спорт мактаби директори.

8 март – Халқаро хотин-қизлар куни

Байрам саёҳатдан бошланди

Баҳорнинг илк кунлариданоқ улуғлар зиёрати, тарихий масканларга саёҳат киши руҳини тетиклаштириб, ўзгача кайфият бағишлайди. Бошланажак ишларига, оиладаги тарбия ва ҳамжиҳатликка ижобий ҳисса қўшади.

Вилоят касаба уюшмалари ташкилотлари бирлашмаси кенгаши томонидан Халқаро хотин-қизлар куни муносабати билан вилоятдаги барча туман ва шаҳарларда, турли соҳаларда фаолият кўрсатаётган 675 нафар хотин-қизлар учун "Муқаддас аёл" номли саёҳат ҳам иштирокчиларда баҳорий кайфиятни уйғотди. Дастурга асосан саёҳатчилар Самарқанд шаҳридаги Амир Темур мақбараси, Регистон майдони, Бибиҳоним масжиди ва мақбараси ҳамда шаҳарнинг бошқа тарихий ҳудудларини зиёрат қилди.

– Баҳор келишининг ўзи кишига байрам кайфиятини бағишлайди, – дейди Ургут туманидаги 46-умумий ўрта таълим мактаби директори Лола Назарова. – Вилоятимизнинг турли ҳудудларини қамраб олган бундай саёҳат эса кишига ўзгача кўтаринкилик беради. Одатда бундай саёҳатларни ўқитувчилар, ўқувчилар учун ўзимиз ташкил қиламиз. Аммо, вилоятдаги турли соҳаларда ишлайдиган хотин-қизлар учун уюштирилган бу анжуманни яна бир карра аёлга, онага эътибор рамзи сифатида қабул қилдик.

Дастур сўнгида Самарқанд шаҳридаги "Диёра" базмгоҳида байрам тадбири ўтказилди.

Акбар АБДУСАИДОВ.

Аёл – илҳом париси

Аёлсиз дунёни, яшашни тасаввур қилиб бўладими? Она – бу Ватан. Она Ватан, она табиат деган сўзларни бежизга ишлатмаймиз-ку?!

Бутун ер шарини айланиб чиққанда ҳам, ўзбек аёлларидек сабр-тоқатли, умрини турмуш ўртоғига, болаларига, туғишганларига жонфидо этадиган аёлларни учратиш қийин.

Улар юракларининг туб-тубидаги кечинмаларини ташқарига чиқармай яшайдилар, балки бу дарддир, балки армондир ёки орзудир, ҳар нима бўлганда ҳам авлодни сақлаш учун ҳамма нарсага чидайдилар. Ота-боболаримиз аёлларининг иффати, ор-номуси учун курашганлар ва бу ҳозирги кунгача сақланиб қолган. Аёл ҳақида ёмон гап айтиш орият, номардлик ҳисобланган.

"Аёлни тушуниш керак, лекин тушунишдан олдин севиш керак", деган экан бир ёзувчи.

Эр бўлиб шуни тушунмасак, уни қўллаб-қувватламасак, аёлга оғир кечади. Бу оғир иш эмас. Икки оғизгина кўнглини сўрасак, хонадонимиз тинч бўлса, бу Аёл зоти учун энг катта қувонч ҳисобланади. Аёлда сирлилик бўлиши керак. Эрининг бўшанг эмас, қаттиққўллиги аёлни сергак торттиради. Хонадонимизда аёлларимиз, фарзандларимиз тинч, хотиржам ўтиришган бўлишса, биз эркаклар ҳам шодмиз, хуррамиз.

Табиат бошингиздан сочаётган гул каби мудом очилиб-сочилиб юринг, азиз аёллар!

Ҳ.АБДУАЗИЗОВ.

Оила даврасида

"Ойим билан дарс қилмоқчийдим..."

Дам олиш куни эди. Бу куни одатда ҳамма уйда фарзандлари билан бирга бўлади. Ишхонамдан қўнғироқ бўлиб чақириб қолишди. Апил-тапил ишларимни тугатишга ҳаракат қила туриб, кўзим стол устида турган дафтар қоғозига тушди. Унда шундай ёзилганди:

"...Бугун нонуштамиз яхши бўлмади. Дам олиш куни ҳаммамиз бирга оилавий нонушта қилардик. Ойим ҳам, дадам ҳам вақтим йўқ, деб шошилиб ишга кетишяпти. Биз уйда ўзимиз ўтирамиз, шекилли. Ойим билан бирга дарс тайёрламоқчийдик, дадам билан бирга технология фанидан қайиқча ясамоқчийдик. Энди бобомникига борсакми?..."

Унинг фикрларини ўқир эканман, қалбим бир энтикди. Қизим эътиборсизлигимиз учун бизга кўзгу тутганди. Бўғзимга нимадир тиқилгандек бўлди. Ҳеч сўз айтолмай, қизимни қучдим. Бу ҳолат эса менга бир умрга сабоқ бўлди.

Умида МАМАДАЛИЕВА.

Маърифатпарвар аллома, ношир, муҳаррир, эрк, озодлик учун курашган сиёсий арбоб Маҳмудхўжа Беҳбудий таваллудининг 145 йиллиги вилоятимизда кенг миқёсда нишонланмоқда.

"Падаркуш"

яна Каттақўрғон театри саҳнасига қайтади

Беҳбудий ўзбек миллий театри ва драматургиясининг асосчиларидан саналади. Унинг машҳур "Падаркуш" пьесаси ўтган асрда Самарқанд, Бухоро, Тошкент театрларида муваффақиятли саҳналаштирилган. Ўқимаган боланинг падаркушга айланганлиги" ёхуд ўтган аср бошидаги Туркистондаги аянчли воқеалар ҳақидаги бу асар Каттақўрғон шаҳар драма театрида ҳам ўйналганди. Аниқроғи, 2007 йилда Зайниддин Омонов режиссёрлигида спектаклни кенг жамоатчилик ҳукмига ҳавола этгандик. Спектакль руҳига мос безак – қурилмалари театримизнинг ўша йиллардаги бош рассоми, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими Ноила Қораева чизмалари асосида яратилганди.

...Айни кунда "Падаркуш" пьесасини қайта саҳналаштириш, аниқроғи, машҳур томошанинг Каттақўрғон саҳнасига қайтиши учун ижодий изланишлар бошлаб юборилди.

- Бадиий кенгашимиз "Падаркуш" пьесаси ижодий гуруҳининг янги таркибини эълон қилди, - дейди театр директори Ботир Тугалов, - қайта ўйналадиган "Падаркуш" томошаси саҳнамиздан муқим жой олади.

Абдуазиз ҲОШИМОВ, республика театр арбоблари ижодий уюшмаси аъзоси.

ШУ ОЙДА ТАВАЛЛУД ТОПГАНЛАР

5 март

Гулжамол АСҚАРОВА – 1978 йилда Каттақўрғон туманида туғилган. «Зулфия» номидаги Давлат мукофоти лауреати, шоира.

10 март

Тўти ЮСУПОВА – 1936 йилда Самарқанд туманида туғилган. Ўзбекистон халқ артисти.

Амина МИРМУҲАММЕДОВА – (1912-2005) Андижонда туғилган. Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими.

Темур ШИРИНОВ – Жиззах вилояти Фориш туманида туғилган. Тарих фанлари доктори, профессор.

Ойражаб БУРҲОНОВА – 1957 йилда Каттақўрғон туманида туғилган. Ўзбекистон Республикаси халқ ўқитувчиси.

ЎЗБЕКИСТОН БЎЙЛАБ БИЗ БИЛАН САЁҲАТ ҚИЛИНГ!

Реклама

Самарқанд шаҳридаги

«ШарқИмпЭкс»

сайёҳлик компанияси юртимизнинг Тошкент, Бухоро, Шаҳрисабз, Хива ва бошқа шаҳарларига саёҳатлар уюштириб беради.

Буюртмалар фақат гуруҳлардан қабул қилинади.

Тўлов сиз хоҳлаган усулда амалга оширилади.
Телефонлар: 98-273-02-95, 99-501-04-60,
телеграм: 93-720-13-13.

Хизматлар лицензияланган, турлар сертификатланган.

Zarafshon
САМАРКАНДСКИЙ ВЕСТНИК

© МУАССИСЛАР: халқ депутатлари Самарқанд вилоят Кенгаши ва вилоят ҳокимлиги

Бош муҳаррир: Фармон ТОШЕВ

Газета Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлигининг Самарқанд вилоят матбуот ва ахборот бошқармасида 2012 йил 30 мартда 09-01 рақам билан рўйхатга олинган. Нашр 100. Индекс 438. 14 536 нусхада чоп этилди. Буюртма 170

Газета ҳафтанинг сешанба, пайшанба ва шанба кунлари чиқади.

Ҳажми 2 босма табоқ, бичими А-2

КАБУЛХОНА: 233-91-51. ХАТЛАР ВА МУРОЖААТЛАР: 233-91-53.
БЎЛИМЛАР: 233-91-57, 233-91-58, 233-91-59, 233-91-61.
РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР: 233-91-56.

МАНЗИЛИМИЗ: 140100, Самарқанд шаҳри, Улуғ Турсунов кўчаси, 80-уй, Матбуот уйи.

Газета "Зарафшон" таҳририятининг компьютер бўлимида саҳифаланди. "Ношир люкс" МЧЖ босмахонасида чоп этилди.
Корхона манзили: Самарқанд шаҳри, Спитамен кўчаси, 270-уй.
Босишга топшириш вақти: соат 18:30 да. Босишга топширилди: соат 19:00 да.

Навбатчи муҳаррир: А.ҲАЙДАРОВ.
Навбатчи: Д.ТЎХТАЕВ.
Саҳифаловчи: Б.АБДУЛЛАЕВ.

Сотувда нархи келишилган ҳолда

ISSN-201667X
9 772010 667009